МАҚОЛ ВА МАТАЛ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ

М.А.ТЕМИРОВА

Мақолада халқ оғзаки ижодининг кичик жанрлари – мақол ва маталларнинг дифференциацияси масаласига оид фольклоршуносликдаги мавжуд қарашлар муҳокама этилади. Ўзбек ва қирғиз халқ мақол ва маталлари мисолида уларнинг фарқли томонларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

***Калит сўзлар**: мақол, матал, дифференциация, трансформация.*

В статье обсуждаются различные взгляды на вопросы дифференциации малых жанров устного народного творчества – пословиц и поговорок. На ряде примеров узбекских и киргизских пословиц и поговорок предпринята попытка их дифференциации.

***Ключевое слова**: пословица, поговорка, дифференциация, трансформация*

The article discusses the different types of vision on the problems of small genres of folk songs, proverbs, sayings. On the basis of analyzing the examples of Uzbek and Kirghiz proverbs and sayings the author tries to differentiate them.

***Key words:** proverbs, sayings, differentiation, transformation.*

Мақол ва матал ўртасидаги фарқ масаласида кўпинча турли мунозараларнинг гувоҳи бўламиз. Бунинг асосий сабаби, мазкур икки кичик жанр ўртасидаги генетик, семантик, мантиқий, поэтик ва формал алоқадорлик ҳамда ўзаро яқин муносабат, баъзан эса уларнинг ўзаро трансформацияга учрашидир. Шунинг учун ҳам мақол ва матал ўртасидаги фарқни белгилаш мунозарали бўлиб келмоқда.

Мақол ва маталларнинг ўхшаш ва тафовутли жиҳатлари кўрсатилган дастлабки тадқиқотлар рус фольклоршунослари В.И. Даль, И.М.Снегирев, А.А.Потебня, Ф.И.Буслаевларга тегишлидир. Ушбу муаллифлар мақол ва маталларни фарқлаш, уларни фарқловчи қатъий мезонларни белгилаш бўйича қизиқарли фикрларни берганлар.

Айрим тадқиқотчилар мақол ва маталларни дифференциациялаш асосига мазмун мезонини қўядилар. И.М.Снегирев мақол маталдан ўзининг шаклланган форма ва ғояси, иккинчидан, мазмуни билан фарқланишини, мақол ўзида ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши, матал эса муайян ҳодисага ишора қилишини асослайди [1].

В.И.Даль ҳам мақол ва маталларни мазмун асосида фарқлайди: “Мақол - қисқа, кўчма маънодаги насиҳатомуз ҳикоя. Бу муҳокама, ҳукм, ибрат халқчиллик руҳи билан суғорилган, оммалашган киноявий ифода. Мақол - кўчма маънода бўлиб, ҳамма учун тушунарли бўлган, омма тарафидан қабул қилинган барча ибратли ҳикоялар каби тўлиқ шаклда, икки қисмдан иборат бўлади: кўчма маънога эга, насиҳатомуз фикр, тасвир, умумий муҳокама, илова, талқиндир, баъзи ҳолларда мақолнинг иккинчи қисми тушиб қолганда, мазмун тингловчининг зукколигига ҳавола этилади

ва шунда мақолни маталдан ажратиб бўлмайди" [2.14.].

Фольклоршуноснинг изоҳича, матал: "тагмаъноли ифода, кўчма маънодаги нутқ бирлиги, содда бошқача фикр, ишоравий ифода, ифодалаш усули, лекин ривоясиз, муҳокамасиз, хулосасиз. Матал жонли нутқда кўчма маъно ифодалайди, тўлиқ фикр билдирмайди, баъзан нарса, воқеа-ҳодисаларнинг номини айтмайди, балки шартли равишда ишора қилади" [2.15.]. В.И.Даль мақолларнинг шундай хусусиятларини белгилаганки, булар қисқалик, кўчма маъно ифодалаш, таълимий мазмунга эгалик, умумлаштиришдир. Маталларда эса образлилик, кўчма маъно ифодалаш ва насиҳат бериш мавжуд эмас.

Матал ташқи жиҳатдан мақолга ўхшайди, яъни у қисқа ўгит, тугалланган гап шаклида, таълимий характерда бўлиб, мақолдан фарқли равишда ўз маъносида қўлланади [3. 379]. Мақол ва маталларнинг ўзига хос типлари борки, уларнинг бир қисми ўз маъносида қўлланса, иккинчи қисми кўчма маънода қўлланади: *"Ёмон кун яхши бўлар, Ёмон одам яхши бўлмас"*.

Ўзбек фольклоршуносларидан Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, Б.Соатов, О.Мадаевларнинг тадқиқотларида ҳам мақол ва маталнинг дифференциацияси масаласига тўхталиб ўтилган.

Б.Саримсоқов мақол ва маталларда кўчма маъно ифодаланиши хусусида тўхталиб, мақоллар ўз ва кўчма маъноларда қўллана олиш имкониятига эга бўлса, маталлар фақат кўчма маънода қўлланади, деб тўғри қайд этади. Яна бир тадқиқотида эса мақолларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўллана олиш хусусияти бу жанрнинг тематик доирасини, қўлланиш чегарасини кенгайтиришини, шу боис мақол бир ёки бир неча халқлар орасида кенг тарқалган бўлишини таъкидлайди ҳамда маталлар учун энг муҳим фарқловчи хусусиятни кўрсатади: "Маталлар ёки бошқа юмуқ иборалар эса локал қўлланиш чегарасига эга бўлиб, улар ҳеч қачон миллатлараро истеъмол доирасида учрамайди" [4. 92].

Мақол ва маталлар дифференциацияси ҳақида сўз юритган олимларнинг аксарияти маталлар нутқни жозибали қилиш, яъни эмоционал-экспрессивликни кучайтириш мақсадида қўлланишини алоҳида таъкидлайдилар. Бундан ташқари, маталларнинг мақолларга ва мақолларнинг маталларга трансформациясига ҳам диққатни қаратадилар.

О.Мадаев бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдиради: "Мақолларнинг яратилиши ва қўлланишидаги мураккаблик жонли сўзлашув жараёнида уларнинг маталларга айланиб кетиш ҳодисасини изоҳлашини ҳам назарда тутиш лозим. Бундай пайтларда мақол контекстдан ажратиб олинганда, мустақил фикрни ифодалаш хусусиятини йўқотади" [5.10]. Олим ўз фикрини давом эттириб, *"Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб", "Яхши гап билан илон инидан чиқар"* мақоллари нутқда мукаммал келган ўринларда мақол, ўзгарган ҳолда айтилганда, айни талаффуз этилган шаклда матал деб юритилади" [5.11] деган тўхтамга келади.

Мақолларнинг жанр хусусиятлари ва поэтикасини махсус ўрганган Б.Соатов маталларнинг трансформацияси ҳақида эътиборга молик фикрни баён қилади: "... Маталлар тугал қутбий ҳукм ифодалай олмайдилар, чунки улар ҳамма вақт бир мантиқий марказдан иборат бўладилар. Бинобарин, матал икки мантиқий марказли бадиий шаклга эга бўлиб, умумхалқ истеъмоли даражасига кўтарилса, мақолга айланади" [6.36].

Фольклорнинг мақол, матал, топишмоқ, афоризм, ҳикматли сўзлар каби кичик жанрлари семантик ва мантиқий жиҳатдан бир-бирига яқин туради, кўпинча бир-бирларига ўтиб туради. Жумладан, Ж.Эшонқулов баъзи тушларнинг топишмоққа айланган ҳолатлари ҳам мавжудлигини ва *"Тушда кўрсанг ганж, Ўнгда кўрсанг янч"* мисолида топишмоқ элементи ҳам, мақол элементи ҳам борлиги ҳақида ёзади [7.122-123].

Мақолларда икки мантиқий марказ мавжуд бўлиши ва бу марказлар мазмунан бир-бирларига ё ўхшатилиши, ё таққосланиши ёки бутунлай зид қўйилиши Б.Саримсоқовнинг назарий қарашларида қайд этилган эди. Мақол ва маталларнинг ўзаро дифференцион ўзгаришини таҳлил этган В.П.Аникин қуйидаги мулоҳазаларини баён қилган: "Мақол қисқа бўлиб, нутқ жараёнида қўлланувчи, таълимий мазмунни ўзида сингдирган, ритмик тузилишга эга поэтик доно фикр, унда бирор халқ асрлар давомида ўзининг ижтимоий-тарихий тажрибаларини умумлаштирган бўлади" [8.15]. Мазкур таърифда мақолнинг шакл хусусиятлари, ритмик тузилиши, таълимий характери ва тугал ҳукм-хулосанинг мавжудлигига эътибор қаратилган. Маталга эса у қуйидагича таъриф беради: "Матал – кенг оммалашган образли ифода, бирор ҳаётий ҳодисани аниқ ифодаловчи, белгиловчидир. Маталлар мақолларга шаклан яқин турса-да, улардан фарқли ўлароқ умумлашган таълимий мазмунга эга бўлмайди ҳамда образлилик хусусияти чекланган бўлади". Демак, маталда умумлаштириш характери бўлмайди ва бу табиий ҳол. Фақат мақол умумлаштиради, хулосалайди, матал мутлақлаштиради, аниқлаштиради.

Мақол ва маталларни фарқлашда тадқиқотчилар ифода планига кам эътибор қаратадилар.

В.П.Жуков ибораларнинг мақол ва маталлардан фарқини кўрсатишга ҳаракат қилган: “Фразеологизмлардан мақол ва маталларнинг фарқи структур-грамматик муносабат билан боғлиқ: улар (яъни мақол ва маталлар) тугалланган гап кўринишида бўлади” [9]. Мақол ва маталларнинг структурал ва семантик хусусиятлари яқинлигини кўрсатган Т.З.Черданцева маталлар “мақолдан фарқли ўлароқ очиқ структурага эга бўлади, яъни феълнинг инфинитив шакли киритилиши ва бу ҳолатда гап шаклида бўлмай, сўз бирикмаси тузилишида бўлади” деб ёзади [10]. Олима мазмуний фарқларга тўхталиб, матал “кўчма маънодан ҳоли бўлиб, кўпинча сўзлар ўз маъносида қўлланади. Маталлар, одатда, панд-насиҳат, таълимий мазмунга эга бўлмайди, лекин рўй бераётган воқеа-ҳодисани шарҳлайди ва унга баҳо беради” деган фикрни билдиради.

Кўринадики, мазкур таърифларда мақол ва маталларнинг структурал ва поэтик хусусиятлари ҳамда нутқда қўлланиши каби фарқловчи хусусиятлар таҳлил этилган.

Ушбу масалага тўхталган қирғиз фольклоршуносларидан Б.Керимжанова: “Мақол кўпинча маълум бир тугал фикрни билдириб, қисқа-қисқа, баъзан кофияланиб айтилса, матал кўпинча сўзнинг ташқи гўзаллигига қараб бирор нарсани таълим сифатида қолдириш учун айтилади”[11.3] деса, С.Мусаев: “... мақол энг кўп хаётий тажрибалар йиғиндиси бўлади-да, ҳаётда учраган бир неча ишларнинг ёки воқеаларнинг доимий қайталаниши, исботланиши натижасида пайдо бўлади. Матал эса муайян биргина ишнинг ёки воқеанинг натижасида воқе бўлади”, - деб билади. С.Мусаев ўз фикрини давом эттириб, мақол билан маталнинг шаклий тузилиши, айтилиши, хулосаланиши бири-бирига жуда ҳам ўхшашлигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг фарқли жиҳатларини қуйидагича кўрсатади: “Мақолда айтилувчи фикр тўлиқ тугалланиб, айтилган ҳар бир воқеага хулоса чиқарилади. Маталда эса одам фикригина айтилиб, хулоса чиқарилмайди, айтилмай қолдириб кетилади. Маталларни қўллаган ёки тинглаган одам хулосани ўша матал бағишланган ишга, воқеага нисабатан ўзи чиқариши лозим. Шунинг учун матал кўпинча қиёслаш, ўхшатиш сифатида “дегандай”, “бўлмай”, “ўхшамай” каби сўзларнинг ва “ган”, “дай” қўшимчаларнинг ёрдами билан айтилади” [12.188].

Қирғиз фольклоршунослигида мақол ва матал атамалари “мақол-маталлар” (“макал-лакаптар”, русларда “пословицы и поговорки” тарзида берилганидек) шаклида доимо бирга келади. “Матал (лакап) деб бир воқеанинг асосида ёки одамлар юриш-туришининг, феъл-атворининг ўзига хослигини изоҳлаб, аниқ, образли тасвирлаб, воқеликка асосланган, кўпинча киноя маъносида айтилиб, контекстда маъноси англашилувчи, қисқа, образли гапларга айтилади”,- деб ёзади қирғиз паремиологи Сапарбек Закиров [14.242].

Масалан: қирғиз халқида – *“Ола байтал, ақлинг бўлса, сувга торт дегандай”* [16.42] матал (лакап) учрайди. *“Ола байтал”* ҳақидаги нақлнамо воқеа қирғиз халқи орасида кенг тарқалган, лекин ҳар бир ҳудуднинг географик шароитига кўра бир жойда *“сувга торт”* дейилса, бошқа ерда “*кўлга торт”* бирикмаси қўлланади. Ушбу маталнинг мазмунига қуйидаги воқеа асос бўлган: Момуқул деган тентакроқ одам қамиш ўриб олиш учун далага боради (Бошқа вариантида эса кўл бўйига келади). Қамишни от аравага юклаб олиб йўлга тушгандан сўнг, семиз, ўйноқи Ола байтал қамиш япроқларининг шитирлашидан ҳурка бошлайди. Момуқул кўп ўйланиб турмай шитирловчи товушни йўқотмоқчи бўлиб, қамишга ўт қўйиб юборади. Ёнғиндан хавфсираб, Ола байтал олиб қочади. Момуқул жон ҳолатда: “Ола байтал, ақлинг бўлса сувга торт”,- деб қичқиради. Бу маталнинг ўзагида юмор бўлиб, у қўлланиш шароитига кўра ўткирлашиши ҳам, сустлашиши (ўтмаслашиши) ҳам мумкин. Ушбу матал бирор ишнинг кейинги оқибатини ўйламай, ақлсизлик ва шошқалоқлик қилиб қўйиб, яна бировга ақл ўргатувчиларга нисбатан қирғиз халқи нутқида кенг қўлланади. Матал тугалланган фикрга эга эмас, у муайян нутқий вазиятда, яъни контекст ичидагина белгиланган функцияни бажаради, холос. Маталлар ҳолат ва вазиятни, инсонни ёки унинг ҳулқини тавсифлаш учун зарур бўлади. У диалогнинг луқма (реплика)си сингари жаранглайди ҳамда киноя, ҳатто ҳажв мазмунини ифодалайди. Яна бир муҳим белги шуки, айнан шу матал бошқа халқ маталлари орасида учрамайди.

Маталдан фарқ қиларок, мақол тугал фикрни қоида мақомида ифодалайди. Масалан, ўзбек ва қирғиз халқларидаги *“Дўст изла, душман ўзи топилади”*[15.98] *“Дос изде, душман өзү табылат”*[16. 155 б.] мақолини олайлик. Ушбу мақолда фикр тугалланган, панд-насиҳат мазмунига эга, шу ҳолатида, яъни контекстдан ажратилган ҳолда ҳам мустақил мазмун ифодалайди. Бу мақол ҳар икки халқда ҳам ҳаётий тажрибада синалган, инсоният ҳаёти давомида кўплаб воқеаларда унинг ҳақиқат эканлиги такрор-такрор тасдиқланган, халқ орасида оммалашган, уни ҳеч ким инкор қилолмайдиган ҳақиқат ва қатъий хулоса, худди кекса авлоднинг кейинги авлодга насиҳатидир. Мақолда умумлаштириш мазмуни юқори даражада бўлади, у ҳаёт қонуниятларини ифодалайди, ўгит бериш функциясини бажаради, ҳамма учун

ва ҳар бир киши учун тавсия бера олиш хусусиятига эга. Мақолдаги қонуният ҳар бир инсонга тўғри келади. Бу қонуният аниқ бирор воқеага нисбатан қўлланмайди, балки инсониятнинг мавжудлигига тааллуқлидир. Бу халқ томонидан буюрилган муҳим вазифа сингари бўлиб, унга барча одамлар амал қилишлари лозим бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқат тўғрисидаги қатъий хулоса, яъни ушбу мақол ўзбек ва қирғиз халқларидагина эмас, дунёдаги барча халқлар орасида ҳам айнан ёки аналогик тарзда учраши мумкин.

Демак, бу ўринда асосий фарқловчи белги сифатида мақолда умумлаштирилган ва универсал характерга эга мазмуннинг мавжудлиги ҳамда бу мазмуннинг муайян халқ вакиллари томонидан қоида мақомида қабул қилинишини кўрсатиш мумкинки, бу хусусиятлар маталга хос эмас. Ўз ва кўчма маънода қўлланишга келсак, буни қатъий фарқловчи белги сифатида қабул қилиш доим ҳам тўғри бўлмайди. Чунки айрим мақоллар борки, улар ўз ва кўчма маънода қўлланиши мумкин. Масалан, ўзбек халқининг *“Ўчоқдаги ўтинг ўчмасин десанг, Қўри борида харакат қил”* [15.207.] мақоли ўз ва кўчма маънода қўлланади. Кўчма маънода қўлланганида мақол универсал таълимий мазмун касб этади, унинг ҳақиқат эканлигини инкор этиб бўлмайди. *“Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр”* [15.41.] матали эса қисқа, образли, киноялы ва фақат кўчма маънода айтилиб, контекстдагина мазмуни англашилиши мумкин. Унда панд-насиҳат, таълимий мазмун йўқ, лекин рўй бераётган воқеа-ҳодисани шарҳлайди ва унга ишора қилади, баҳо беради.

Бизнингча, юқоридаги фикрларга таянган ҳолда мақол ва маталларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини санаб ўтиш мумкин. Ўхшаш жиҳатлари: 1) кўчма маънода келиши; 2) насрий тузилишга эгалик; 3) поэтик тузилишга эгалик; 4) ҳар иккисида ҳам образлар мавжудлиги; 5) турли мавзуларда бўлиши; 6) нутқий вазиятга кўра қўлланиши; 7) ўзига хос тил хусусиятларига эгалиги. Фарқли (тафовутли) жиҳатлари: 1) мақол ҳамма вақт, яъни контекстдан ажралган вазиятда ҳам мантиққа эга, маталнинг мантиғи эса контекстда ёки қўлланиш жараёнида (бўлиб ўтган муайян бир типик ҳолатни эслатиб ишора қилингандагина) англашилади; 2) мақолда хулоса мавжуд, маталда эса хулоса йўқ; 3) мақол ўз ва кўчма маъноларда келади, матал эса фақат кўчма маънода қўлланади; 4) мақолда ўгит, доно фикр, таълимий мазмун бор, маталларда таълимий мазмун йўқ; 5) мақол умумлаштириш характерига эга, маталда эса бу хусусият йўқ, у мутлақлаштириш, аниқлаштириш характерига эга; 6) бир халқ мақоллари иккинчи бир халқ мақоллари орасида айнан ёки аналогик тарзда учрайди, матал эса локал қўлланиш чегарасига эга бўлиб, улар ҳеч қачон миллатлараро истеъмол доирасида учрамайди. .

Адабиётлар:

1. Ефимова Ю.Ф. Сравнительно-сопоставительный анализ структуры и семантики турецких и чувашских пословиц. КД.// www/ mirrabot. Com/ work/ work- 11546/ html -59 kb. (2009 йил, 10-ноябрь с 13.04)
2. Даль В.И. Русские народные пословицы и поговорки.- М., 1989.
3. Литературный энциклопедический словарь. – М., 1990.
4. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б.,Сафаров О. Ўзбек халқ поэтик ижоди.- Т.: Ўқитувчи, 1990.
5. Мадаев О. Мақоллар оламида.-Т.: Ўзбекистон, 1984.
6. Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. –Т., 1994.
7. Жаббор Эшонқул.Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини.- Т.: Фан, 2011.
8. Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор.- М., 1957.
9. Жуков В.П. 1966. с. 7 // ru. wiki pedia. org. сайтидан олинди (2009 й. 25-ноябрь, с.15.00)
10. Черданцева Т.З.1977.с.145 //www. Ruthenia. Ru / folklore. Htm – 59 kb.(2009 й. 25 ноябрь, с.15.40)
11. Керимжанова Б. Кыргыз элинин макал-лакаптары.- Фрунзе, 1948.
12. Мусаев С., Таштемиров Ж. Кыргыз адабияты.- Фрунзе, 1954.
13. Закиров С. Кыргыз элинин макал, лакаптары.- Фрунзе,1972
14. Кыргыз адабиятынын тарыхы. VII томдук I. том. Фольклористика. Оозеки чыгармачылыктын жанрлары.- Бишкек : 2002.
15.Ўзбек халқ мақоллари. (Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусақулов, Б.Саримсоқов).–Т.: Шарқ. 2003.
16. Кыргыз макал-ылакап, учкул сөздөрү 10551.Жыйнаган:М.Ибрагимов.–Карабалта, 2005.

Андижон давлат университети,
2013 йил 10 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)